

6-1-2019

THE WAYS OF IMPROVING FINANCIAL STABILITY OF THE PENSION PROVISION

D. Sholdorov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Sholdorov, D. (2019) "THE WAYS OF IMPROVING FINANCIAL STABILITY OF THE PENSION PROVISION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 23.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/23>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE WAYS OF IMPROVING FINANCIAL STABILITY OF THE PENSION PROVISION

The article examines the factors affecting the pension systems and the reforms carried out in the pension system, and also developed scientific proposals and practical recommendations aimed at ensuring the financial sustainability of the pension plan.

Keywords: pensions, pensions, pension insurance, social benefits, work experience, financial stability, Pension Fund, social insurance, working-age population, preferential pensions, pension size.

The article examines the factors affecting the pension systems and the reforms carried out in the pension system, and also developed scientific proposals and practical recommendations aimed at ensuring the financial sustainability of the pension plan.

Public pension plan is one of the most important and the main direction of social protection policy of Government, it means the set of the measures as socio-economic characteristics that aimed at providing and supporting elderly people, disabled people and nonsurvivor people.

Thoughts of international organizations and experts, advanced scientists, appeals of citizens, main tendencies of the pension plan and experiences, and also comparative analysis between the reforms of National Pension System and foreign countries pension reforms indicate that there are some problems to be solved at State pension.

The impact of demographic factors on the pension system, necessity to ensure balanced participation of the population in funding the social insurance system, as well as ineffective tools of financial allocation and vulnerability of social insurance incentives are the main problems of state pension plan.

We will be discussed the main factors affecting the pension system.

1. *The Impact of Demographic Factors on the Pension Plan.*

- according to demographic forecasts the share of retirement age population (+1.2 millions) is expected to increase in 2018-2025;

- rising of the life expectancy of population is expected and it will reach to 75.5 years in 2025 (73 years in 2018), the annual number of applicants for retirement age is expected to grow to a total of 300,000 in 2025 (annual number 206200 in 2017), the share of retirement age in the total population is more than 11 percent in 2025 (7.4 percent in 2018).

It should be noted that the off-budget Pension Fund under the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan has the last place on payments to one pensioner in its group and the amount of Pension Fund's funds is insufficient to fully cover all pensioners of the country and this does not allow the Pension Fund to be independent of the state budget.

Life expectancy and decreased birth rates increase the share of older people throughout the world, and this reduces the paying capacity of social security systems,

including pension systems.

The appeal addressed to the Oliy Majlis by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev indicates that positive changes in this area will be continued, in particular, the restriction on the maximum wage for pension payments at the next stage of the reform. Of course, such cases serve to increase the retirement pensions and further improve the well-being of pensioners.

2. Necessity of balanced participation of the population in financing of the social insurance system.

In the long run, the majority of citizens who do not pay for the pension system in the medium and long term will not have the right to receive a pension. As a result, it can lead to a reduction in the financial resources of the off-budget Pension Fund, and, second, the deterioration of the welfare of the elderly.

3. Ineffective tools for the allocation of funds and the weaknesses of social insurance incentive mechanisms.

Vulnerable mechanisms to encourage long-term and uninterrupted participation of employers in social insurance make them look for new methods of non-payment of insurance premiums. It is therefore desirable to override this restriction in the future. This situation improves the relationship between the size of pensions and the contribution of the employee, and also stimulates labor activity.

All of the above, in turn, reflects the need to reform the pension system of the Republic of Uzbekistan, to ensure the financial sustainability of the pension system.

Conclusion and Recommendations

1. In view of the experiences of the developed and developing countries' retirement benefits system, benefits from the off-budget Pension Fund (allowances for elderly and disabled citizens without a required length of service, and allowances for burial) should be funded from the State budget in order to ensure the financial sustainability of pensions;

2. In the new edition of the Law "On the state pension provision of citizens", the study of foreign experience in this field and the demographic and socio-economic aspects of the country, the amount of pensions of citizens in the norms of the law depends on their length of service and dependence on wages, it is advisable to introduce mechanisms to encourage active participation in the system.

3. Gradually increasing the retirement age, taking into account factors such as socio-economic development of the country, employment growth, employment growth, population life expectancy, healthcare development, and long-term employment allowing citizens to retire and the retirement age requirement needs to be revised.

4. In the future, it is desirable for the members of the family who are not working for the Pension Fund to pay for the additional insurance premiums at the rate of the minimum monthly wage for each month at the expense of earnings in the form of wage earnings for guaranteed pensions.

(Full article is available in Uzbek)

**“Пенсия иши” кафедраси
катта ўқитувчиси Д.А.Шолдаров**

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мақолада пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш йўллари тадқиқ этилган, ҳамда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: пенсия таъминоти, пенсия суғуртаси, пенсия, меҳнат стажи, молиявий барқарорлик, ижтимоий суғурта, меҳнатга лаёқатли аҳоли, имтиёзли пенсиялар, пенсия миқдори.

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

В статье исследованы факторы, влияющие на систему пенсионного обеспечения и реформы, осуществляемые в пенсионной системе, а также разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на обеспечение финансовой устойчивости системы пенсионного обеспечения.

Ключевые слова: пенсии, пенсионное обеспечение, пенсионное страхование, социальные пособия, трудовой стаж, финансовая устойчивость, Пенсионный фонд, социальное страхование, трудоспособное население, льготные пенсии, размер пенсии.

Кириш

XXI асрда юз бераётган кескин демографик ўзгаришлар шароитда давлат ижтимоий ҳимоя тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) маълумотларига кўра, 2018 йил охирига келиб 65 ёшдан ошганларнинг миқдори 5 ёшли болаларнинг миқдоридан ошиб кетган ва бу жараён шундай давом этадиган бўлса, 2050 йилга бориб, 5 ёшгача бўлган ҳар бир болага 65 ёшдан ошган иккита кекса тўғри кела бошлайди”. Бундай ҳолат пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатади ҳамда пенсия тизимини кўшимча молиявий ресурслар билан таъминлаш заруратини келтириб чиқаради. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда пенсионерлар сонининг кўпайиб бориши пенсия харажатларининг ҳам ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Масалан, “2012-2017 йилларда давлат пенсия харажатларининг ЯИМдаги улуши Францияда 13,7-13,8 фоизга, Японияда 10,2-10,3 фоизга, АҚШда 6,8-7,0 фоизга, Туркияда 6,8-8,1 фоизга, Италияда 15,4-16,8 фоизга ортган”[1].

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бугунги кунда инсонларнинг ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиб бориши, туғилиш, ишсизлик ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳамда демография билан боғлиқ омиллар пенсия таъминоти учун қўшимча молиявий ресурслар жалб қилишни самарали ташкил этиш, мавжуд молиявий ресурслардан унумли фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. “Пенсия ва ижтимоий фондлар халқаро ассоциацияси томонидан пенсия тизимининг ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигининг таъминлаш масалаларига доир изланишлар натижаларини эълон қилиб келмоқда”[2]. Тадқиқотларда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини ошириш масалалари кенг ёритилган, бироқ пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигининг таъминлаш масалалари етарлича очиқ берилмаган. Бундай ҳолат ўз навбатида пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида халқаро миқёсида мунтазам равишда илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Даврлар ўтиши билан Пенсия фондлари иқтисодиёт учун молиявий ресурслар манбаи сифатида жуда тезкорлик билан ривожланди. Аҳолининг мунтазам барқарор суръатларда кўпайиб бориши ва уларнинг пенсия тизимларига аъзо бўлишлари бунда асосий аҳамият касб этди. Бироқ, XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб туғилишнинг камайиши ва ўртача умр кўриш давомийлигининг узайиб бориши натижасида аҳолининг кексайиши каби омиллар жаҳон мамлакатлари пенсия тизимларининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсата бошлади. Кўпгина давлатларда ишловчи аҳолига пенсия тўловларининг (ажратмаларининг) ортиши пенсия фондлари бюджетининг камомадини келтириб чиқарди. Мазкур муаммо битта пенсионерга тўғри келувчи ишловчи фуқаролар сони нисбати (қоплаш коэффиценти)нинг қисқариши натижасида юзага келди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида устувор йўналишлардан бири – ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унда аҳолининг мажбурий ижтимоий кафолатларини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан бир қаторда иқтисодиётни либераллаштириш, иқтисодиётда солиқ юкини пасайтириш ва иқтисодиётга давлат аралашувини чеклаш чоратадбирлари амалга оширилмоқда. Мазкур шароитда, пенсия таъминоти учун қўшимча молиявий ресурсларни топиш ва таъминлаш давлатнинг бюджет – солиқ сиёсатининг муҳим масаласидир. Юқорида санаб ўтилган омиллар ва масалалар Пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга эканлигини асослайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари томонидан пенсия таъминотини тадқиқ қилиш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан кенг кўламли назарий ва амалий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кўплаб иқтисодчилар пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини

таъминлаш ва самарали фаолият кўрсатишининг муҳим кўрсаткичи сифатида “боғлиқлик коэффициенти”ни кўрсатишади. и.ф.д. Д.Рустамов Миллий пенсия тизимига молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилар эканмиз, бу борада ўзбекистонлик иқтисодчи олим (DSc) Д.Рустамовнинг илмий тадқиқоти диққатга сазовордир. У жаҳон мамлакатларида амал қилаётган пенсия таъминоти тизимлари фаолияти самарадорлигини таҳлил қилган ҳолда мазкур омилларни тўрт гуруҳга ажратади:

- макроиқтисодий омиллар;
- демографик омиллар;
- ижтимоий меҳнат омиллари;
- шахсий пенсия омиллари [3], деб мулоҳаза юритади.

Бу борада профессор А.Ваҳобов тизимнинг ижтимоийлик хусусиятини ифода этиб, давлат пенсия таъминоти тизимига жамиятнинг барча аъзоларининг иштирок этишини максимал равишда таъминлаш, шу орқали фуқароларга зарур ҳолларда ва белгиланган тартибда пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларни беришни ташкил этиш ва пенсия таъминоти тизимининг молиявий жиҳатини ифода этиб, даромадлар ва харажатларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлашга қаратилгандир. Ҳаммамизга маълумки, дунёда юз бераётган демографик, ижтимоий, сиёсий ва бошқа кўплаб ўзгаришлар пенсия тизимининг молиявий барқарорлига бевосита таъсир кўрсатади.

И.ф.н.,доц. Б.Маматов “Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлиги унга тўланадиган тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда амалга оширилишига ҳамда пенсия таъминоти бошқарувининг самарали ташкил этилишига боғлиқ”лигини эътироф этган [4]. Пенсия фондлари барқарорлигини таъминлаш макроиқтисодий нуқтаи назардан ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, бу борада АҚШлик олим Jun Pengнинг қуйидаги фикрлари аҳамиятлидир: “Пенсия таъминоти бошқаруви, нафақат, пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигига, балки бутун давлат секторининг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади, шу сабабли пенсия таъминоти бошқаруви давлат пенсия тизимида пенсия бадалини тўловчи ва келгусида ундан ҳукумат томонидан кафолатланган пенсия тўловларини олувчи ҳар бир шахсга дахлдор бўлмоғи лозим” [5].

А.П.Шеметов ва С.Н.Орловларнинг “Россия Федерацияси Пенсия тизими” [6] номли монографиясида пенсия таъминоти тизими моделлари, уларнинг принциплари ва ўзига хос хусусиятлари, Россия пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолати ўрганилган ва таҳлил қилинган, пенсия таъминоти тизимидаги муаммолар ва унинг сабаблари аниқланган, муаммоларни ижобий ҳал этиш йўллари бўйича илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

Пенсия таъминоти тизими умумдавлат миқёсида XIX асрнинг охирларида ижтимоий суғурта механизмига асосланган ҳолда ташкил этилган бўлиб, тизимнинг молиявий таъминоти ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобидан

шаклланган. Ижтимоий суғуртага асосланган пенсия тизимининг молиявий таъминотида давлатнинг иштироки минимал даражада бўлган. Хусусан, О.Бисмарк томонидан жорий этилган пенсия суғуртаси тизимида давлатнинг молиявий иштироки минимал бўлган бўлса, II жаҳон уруши натижасида ижтимоий суғурта фондлари барбод бўлиши ортидан пенсия таъминоти тизими давлат томонидан молиявий таъминланиши зарурлиги британиялик иқтисодчи У.Беверидж томонидан эътироф этилган[7] (1-жадвал).


1-жадвал

Пенсия суғуртаси ва пенсия таъминотининг молиявий моделлари[8]

№	Номи	Иқтисодий мазмуни ва хусусиятлари
1.	Бисмарк модели	Мажбурий ижтимоий пенсия суғуртаси жорий қилинган. Жамият барча аъзоларига даромад топишга ижтимоий таъминот учун имконият яратилади. Давлатнинг асосий вазифаси аҳоли даромадларни ошириш ва ижтимоий ҳимоялаш. Масъулият ишловчи зиммасига юклатилади.
2.	Беверидж модели	Ҳар бир фуқаро касалланганда, кексайганда давлат томонидан ҳимояланиши керак. Давлатнинг асосий вазифаси – кафолатланган ижтимоий ҳимоянинг минимал даражасини таъминлаш. Масъулият давлат зиммасига юклатилади.

Пенсия таъминотининг молиявий ҳолатига баҳо бериш учун аввало пенсия, пенсия таъминоти, молиявий барқарорлик тушунчаларини тавсифлаш муҳим аҳамият касб этади. Биз тадқиқотларимиз давомида пенсия таъминоти тизимининг таркибий тузилишини кўриб чиқдик.

Илмий тадқиқот ишида яна бир муҳим жиҳатни эътиборга олиш лозимки, у ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан аҳамиятлидир. Миллий пенсия тизими ташкил этилишида давлат хизмати тизимида алоҳида аҳамиятли бўлган соҳаларда фаолият юритган шахсларнинг пенсия таъминоти ижтимоий суғурта тизимидан алоҳида ҳолда ташкил этилган. Бундай шахслар тоифасига: ҳарбий хизматчилар, ички ишлар тизими ходимлари, фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида фаолият юритувчилар, давлат хавсизлиги хизматида фаолият юритувчилар ва шу каби давлат хизматчиларининг пенсия таъминоти алоҳида тартиблар асосида ташкил этилади. Чунончи, амалдаги ижтимоий суғурталаш механизми орқали ташкил этилган пенсия тизими аъзоларининг пенсия таъминоти бюджетдан ташқари пенсия жамғармасидан молиялаштирилса, юқорида санаб ўтилган тизимларда фаолият юритганларнинг пенсия таъминоти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида давлат пенсия таъминоти тизими[9]

Жаҳоннинг аксарият мамлакатларидагидек, Ўзбекистоннинг миллий пенсия тизими ҳам комбинациялашган моделда ташкил этилган бўлишига қарамасдан, унда тақсимланувчи модел элементи устувор ҳисобланади, жамғариб борилувчи пенсия тизими эса амалдаги тақсимланувчи пенсия тизимига қўшимча равишда ташкил этилган. Шу нуқтаи назардан, пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни тақсимланувчи пенсия тизимига устуворлик берган ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Пенсия тизимининг молиявий ҳолати (барқарорлиги)ни баҳолашда қамров коэффиценти, босим коэффиценти, қоплаш коэффиценти каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Мазкур кўрсаткичлар бир томондан пенсия тўловлари аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаласа, бошқа томондан пенсия тизимининг молиявий ҳолати ҳақида ахборот беради.

2-жадвал

Пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар[10]

Кўрсаткич номи	Формуласи	Мазмуни
Қамров коэффиценти	$K_{\kappa} = \frac{A_c}{A_{\text{я}}}$	Суғурталанган аҳоли улушини ҳамда суғуртага тортилган меҳнат ҳақи даромадлари даражасини кўрсатадиган кўрсаткич (1 га тенг бўлиши керак)
Босим коэффиценти	$K_{\beta} = \frac{I_a}{P_a}$	Пенсия таъминоти тизимига суғурта бадали тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати (4/1)
Қоплаш коэффиценти	$K_{\eta} = \frac{\dot{Y}_{\text{ПМ}}}{\dot{Y}_{\text{ИХМ}}}$	Пенсионернинг пенсияси миқдорининг меҳнат қилган даврида олган иш ҳақининг нисбати тарзида аниқланади (0,4)

Бу ерда: K_k – камров коэффиценти; A_c – меҳнатга яроқли аҳолининг пенсия тизимида иштирок этаётганлари сони; A_y – меҳнатга яроқли аҳоли сони; K_b – босим коэффиценти; I_a – пенсия тизимида иштирок этаётган ишловчи аҳоли сони; P_a – пенсия тизимидан ижтимоий тўловлар қабул қилувчилар сони; K_k – қоплаш коэффиценти; $\dot{Y}PM$ – ўртача пенсия миқдори; $\dot{Y}IXM$ – ўртача иш ҳақи миқдори.

Пенсия тизими таҳлилида, унинг амалдаги ҳолатига баҳо беришда пенсия таъминотида аҳолининг иштироки даражаси муҳим кўрсаткичдир. Биламизки, аҳолининг бирдамлашган пенсия тизими барқарор бўлишида унда иштирок этувчилар сони ва даражасига этибор қаратилади, пенсия тизимлари томонидан амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоянинг самарадорлигини белгилаш имконини беради. Мазкур коэффицент назарий жиҳатдан бирга тенг бўлиши мумкин, лекин буни амалда иложи йўқ, сабаби барча меҳнатга яроқли аҳолини иш билан 100 фоиз таъминлаш амалда мумкин эмаслиги илмий жиҳатдан исботланган. Шу нуқтаи назардан камров коэффиценти қанчалик бирга яқин бўлса, пенсия тизими шунчалик яхши йўлга қўйилган бўлади ва аксинча.

Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига кўра, фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими барқарор фаолият юритиши учун пенсия таъминоти тизимида суғурта бадали тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати 4 : 1 даражада бўлиши ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо, мазкур кўрсаткич жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатларида ҳам иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатлардаги каби тавсия этилганидан бирмунча ёмонроқдир. Бу кўрсаткичнинг ҳолатига умумий ҳолда меҳнатга лаёқатли аҳолининг пенсия таъминотига қамраб олиниш даражасининг пастлиги, бу ҳолат мамлакатдаги иқтисодий вазият ёмонлашган, ишсизлик даражаси ортган, натижада пенсия тизимида қатнашувчилар сони камайган ҳолатларда юзага келади ва бундай ҳолатнинг узоқ муддат сурункали давом этиши пенсия тизимида инқирозларни келтириб чиқаради. Пенсия таъминотига қамров даражаси юқори бўлган ривожланган мамлакатларда эса пенсионерлар салмоғининг юқорилиги таъсир кўрсатади. Аммо, учинчи ҳолатни ҳам унутмаслик керакки, пенсия тизимида узоқ йиллар давомида аҳолининг қамраб олинмаслиги, меҳнатга лаёқатли аҳолининг каттагина қисми пенсия тизимидан четда қолиши оқибатида маълум давр ўтиб фақат пенсия тизимида иштирок этиб пенсияга чиққанлар ва тизимга бадал тўловчилар ўртасидаги нисбат барқарор бўлиши мумкин, бу ҳолга юқорида кўриб ўтилган камров коэффиценти орқали баҳо берилади.

Инсоният цивилизацияси юзага келган даврдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар жамиятда кексалар, меҳнатга лаёқатсизлар, вояга етмаганлар ва бошқа ижтимоий таъминотга муҳтожларни жамият томонидан яратилган моддий неъматлардан жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида баҳраманд бўлишларини таъминлаш тизими шаклланиб келди. БМТ ҳисоб-китобларига кўра, 2017 йилда дунё аҳолисининг 962,3 миллион нафарини 60 ёшдан ошганлар ташкил этмоқда[11], бу эса дунё аҳолисининг қарийб 13 фоизини ташкил этади.

Сўнгги йилларда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари таркибида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Шундай келиб чиққан ҳолда Пенсия жамғармаси даромадлари таркибини 2 гуруҳга таснифлаш мумкин: мажбурий тартибда тўланадиган тўловлар ва ихтиёрий тартибда Пенсия жамғармасига тўланадиган тўловлардир. Бундан кўринадики, корхона ва ташкилотлар, оилавий тадбиркорлик субъекти ва унинг оиласи аъзолари, “Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари” Кенгаши, деҳқон хўжалиги бошлиғи, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва улар томонидан ёлланган ходимлар мажбурий тартибда Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўлайдилар.

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси мажбурий ажратмалар уларнинг солиқ юқини камайтириш билан боғлиқ сиёсати жараёнида ҳамда орттирилган маблағларни айланмага қўшиб, шу йўл билан даромадларини ошириши ва иш ўринларини шакллантириши билан боғлиқдир.

3- жадвал

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий тўлов тарифлари динамикаси (%) [12]

Йиллар	Пенсия жамғармасига иш берувчиларнинг ягона ижтимоий тўлови	Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадали	Товар (иш, хизматлар) қийматидан мажбурий ажратмалар
2008	24	2,5	1
2009	24	3,5	1
2010	25	4	1,5
2011	25	4,5	1,6
2012	25	5,5	1,6
2013	25	6	1,6
2014	25	6,5	1,6
2015	25 (15)	7,0	1,6
2016	25 (15)	7,5	1,6
2017	25 (15)	8,0	1,6
2018	25 (15)	8,0	Бошқа давлат мақсадли жамғармалар билан биргаликда умумлаштирилган ҳолда ажратилади, кейинчалик уни қайта тақсимлаш шарти билан

Ишловчилар ва юридик шахслар товар айланмасидан олинадиган мажбурий меъёрлар улуши ўсиш суръатига эга. 2018-йилда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига товар (иш, хизматлар) қийматидан мажбурий ажратманинг ундирилиш механизмига ўзгартириш киритилди. Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ҳамда бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш

жамғармасига мажбурий ажратмалар битта давлат мақсадли жамғармаларига ажратмаларга бирлаштирилди ва умумий солиқ ставкаси 3,5 фоиздан 3,2 фоизгача пасайтирилди. Ушбу маблағлар жами тушумининг 46,8 фоизи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тушиши белгиланган.

Пенсия таъминотининг молиявий барқарорлиги унинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносиблик даражаси билан белгиланади. Давлат пенсия таъминоти тизимини ташкил этишда ҳукумат имкон қадар иқтисодиётга энг кам таъсир этадиган ва иқтисодий ўсишга салбий таъсир ўтказмасдан ташкил этишга ҳаракат қилади, аммо танганинг иккинчи томони ҳам борки, пенсия ва ижтимоий тўловларни молиявий таъминлаш пенсия фондларини тўлдириш учун давлат мажбурий ижтимоий тўловлар ва бадаллар тўловини ташкил этади. Давлат томонидан ташкил этилган пенсия фондлари ишловчиларнинг ва иш берувчиларнинг бадаллари ҳисобига шаклланади. Зарурат туғилган ҳолларда эса давлат пенсия фондлари давлат ижтимоий трансфертлари ҳисобидан молиялаштирилиши ҳам мумкин.

Мамлакатда пенсия таъминоти даражасини, унинг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири қоплаш коэффициентини ҳисобланади. Бу кўрсаткич ўртача пенсия миқдорининг (Дб) ўртача иш ҳақига (Да) нисбатини ($K = Дб / Да * 100$) ифодалайди. Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига кўра, у 40 фоиздан кам бўлмаслиги зарур. Европа мамлакатларида бу кўрсаткич 60 фоиз атрофида тебранади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзоб давлатларда мазкур кўрсаткич 54,5 фоизни ташкил қилади. Россияда 2016 йилда қоплаш коэффициенти 35,5 фоизни ташкил қилган. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 41 фоизни ташкил қилади ва бундай кўрсаткичга эга давлатлар сони жуда оз. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, кўрсаткичнинг ҳолатига меҳнат стажининг давомийлиги, иш ҳақининг миқдори, Пенсия тизимига ажратилган суғурта бадаллари миқдори, пенсияга чиқиш ёши каби омиллар таъсир қилади.

Меҳнат мигрантларини давлат пенсия суғуртаси билан қамраб олиш даражасининг сустиги. Меҳнатга лаёқатли аҳоли бўйича меҳнат миграцияси даражасининг юқорилиги пенсия тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади, чунки уларнинг даромадлари рўйхатга олинмайди, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича суғурта бадаллари ҳам тўланмайди.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг жозибadorлиги. Бунда жамғариб бориладиган пенсия маблағларининг даромадлилигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Халқ банкидаги фуқароларнинг мажбурий жамғариб бориладиган пенсия маблағлари даромадлилиги мамлакатдаги расмий инфляция даражасидан юқори. Аммо, ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия маблағлари улуши талаб даражасида эмас. Тараққий этган давлатларда Пенсия фондлари ва жамғариб бориладиган пенсия маблағлари инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Статистик таҳлиллар натижаси, халқаро ташкилотлар ва экспертлар, етакчи олимларининг фикр-мулоҳазалари, фуқароларнинг муурожаатлари, пенсия таъминоти тизимидаги асосий тенденциялар ва тажрибалар ҳамда

миллий пенсия тизимининг хорижий ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари пенсия тизими ва ислохотлари билан қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, давлат пенсия таъминоти тизимида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжуд. Демографик омилларнинг пенсия таъминоти тизимига таъсири, ижтимоий суғурта тизимини молиялаштиришда аҳолининг мутаносиб иштирокини таъминлаш зарурлиги ҳамда молиявий маблағларни тақсимлашдаги самарасиз воситалар ва ижтимоий суғуртадаги рағбатлантирувчи механизмларнинг заифлиги шулар жумласидандир.

Пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар (Ҳаракатлар стратегияси, Давлат пенсия таъминоти тизимини ислох этиш Концепцияси лойиҳаси, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлисга мурожаатномаси) нуқтаи назаридан тўлиқ яқдил амалий таклифлар зарурдир.

Хулоса ва таклифлар

Илғор хориж тажрибаларини, шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш асосида ҳамда асосланган ҳисоб-китобларга таянган ҳолда пенсия ёшани салбий оқибатларсиз босқичма-босқич ошириб бориш мақсадга мувофиқдир. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида”ги 102-сонли Конвенциясининг 26-моддасига мувофиқ, “белгиланган пенсияга чиқиш ёши 65 ёшдан ошмаслиги лозим ёки ваколатли органлар томонидан мамлакатдаги кексаларнинг пенсияга чиқиш ёшани белгилашда уларнинг меҳнатга лаёқати ҳисобга олинishi зарур”. Демак, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг талабларига кўра, дунё бўйича пенсияга чиқиш ёши 65 ёшдан ошмаслиги мақсадга мувофиқ, аммо, бунда кексаларнинг меҳнатга лаёқатлилигидан келиб чиқиб, бу ёш оширилиши ҳам мумкин. Бугунги кунда дунё бўйича ўртача пенсия ёши эркаклар ва аёллар учун 62 ёшни ташкил қилади.

Ўзбекистон пенсияга чиқиш ёши ўртача 57,5 ёшни ташкил қилди. Бу кўрсаткич АҚШ, Франция, Япония ва Норвегияда ўртача 67 ёшни, Буюк Британия, Германия ва Канадада 65 ёшни, Австрияда ва Грузияда 62,5 ёшни, Озарбайжонда 61,5 ёшни, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларида 60,5 ёшни, Жанубий Кореяда 60 ёшни, Беларус Республикасида 58,1 ёшни ташкил қилади. Таъкидлаш жоизки, пенсияга чиқиш ёшани белгилашда фуқароларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги муҳим омиллардандир. Ўзбекистонда ўртача умр кўриш давомийлиги 1995 йилга нисбатан 4,6 йилга ошди ва бугунги кунда 73,7 йилни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич 2016 йилда Японияда 83,5 йилни, Италияда 83,1 йилни, Франция ва Швецияда 82,2 йилни, Канадада 82 йилни, Жанубий Кореяда 81,9 йилни, Германияда 80,9 йилни, Буюк Британияда 80,7 йилни, Хитойда 75,8 йилни, Озарбайжонда 70,8 йилни ва Қирғизистонда 70,6 йилни ташкил қилган. Бундай

ҳолат, ўз навбатида, Ўзбекистонда пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич ошириб бориш зарурлигини англатади.

Ўзбекистонда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини оширишга оид қуйидаги таклифлар келтирилган:

1. Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг мутаносиблиги, ижтимоий суғурта, авлодлар бирдамлиги ва жамғариб бориладиган принциплар асосида пенсия мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилиш имконияти пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини ифодалайди.

2. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, тақсимланувчи, жамғариб борилувчи ва аралаш тизимга асосланган кўп поғонали пенсия таъминоти пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини ва бир мунча самарали фаолият юритишини таъминлайди. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)га аъзо бўлган мамлакатларнинг аксариятида амалга оширилган ва оширилаётган пенсия ислоҳотлари қуйидагиларни назарда тутади:

– минимал кафолатларни таъминлайдиган жамғариб борилувчи ва тақсимланувчи схемаларни бирлаштирган кўп поғонали пенсия тизимини жорий қилиш, мавжудларининг фаолиятини такомиллаштириш;

– норасмий секторда иш билан банд бўлганларни меҳнат фаолиятини қонунийлаштириш орқали норасмий бандликни қисқартириш ва пенсия дастурларини молиялаштиришнинг суғурта механизмини кучайтириш;

– фуқаролар меҳнат фаолиятининг бутун даври давомида пенсия захираларини шакллантиришдаги иштироки билан пенсия миқдорларининг боғлиқлигини кучайтириш (Италия, Швеция, Польша, Россия Федерацияси);

– пенсия фондларининг молиявий фаолияти устидан мониторинг ва назоратнинг кучайтирилиши (масалан, Германияда молиявий рискларни бошқариш ва мустақил назорат қилишни кучайтириш тўғрисида қонун қабул қилинган ва бошқ.);

– кеч пенсияга чиқишни рағбатлантириш;

– хусусий пенсия фондларининг ташкил этилганлиги ва молиявий фаолиятининг барқарорлиги, нодавлат пенсия таъминотининг (жумладан, корпоратив пенсия дастурлари) амал қилиши.

3. 2018-2025 йилларда Ўзбекистон аҳолиси таркибида пенсия ёшидаги аҳолининг улуши (1,2 млн. кишига) кўпайиши кутилмоқда ва 2025 йилга бориб, Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 75,5 ёшга етади, ёшга доир пенсияга чиқиш учун мурожаат қилувчиларнинг йиллик сони жами 300 минг нафарга кўпайиши кутилмоқда, жами аҳоли таркибида эса пенсия ёшидагиларнинг улуши 11 фоиздан ортади. Бундай ҳолат пенсия таъминоти тизимида харажатларнинг ортишига олиб келади ва пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, тўғридан-тўғри таъсир этувчи нормалар эга бўлган, пенсия тизимида асоссиз имтиёзлар ва устамалар бекор қилувчи нормаларни ифода этувчи “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарур ҳамда жамғариб бориладиган пенсияга асосланган хусусий пенсия таъминотини шакллантириш лозим.

Келгуси йилларда Ўзбекистон пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашда ва Пенсия жамғармасига тушумларни ошириш учун норасмий иқтисодий ва легаллаштириш ва Ўзбекистондан меҳнат мигрантларини қабул қилаётган мамлакатлар билан давлатлараро шартномаларни тузиш орқали ижтимоий тўловларни тўловчиларни қамраб олишни кенгайтириш учун шарт-шароитларни яратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. John Bailey, Jones YueLi. The effects of collecting income taxes on Social Security benefits. Journal of Public Economics. Volume 159, March 2018, Pages 128-145. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S004720045>
2. <https://apsf.ru>. Международная ассоциация пенсионных и социальных фондов. Динамика социальных показателей в странах СНГ, Грузии и Балтии 2000-2017. Москва 2019. 51 С.
3. Д.Рустамов. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. Тошкент. Т: “IQTISOD MOLIYA” 2018 й. 190 бет. 27-бет.
4. Маматов Б.С., Ачилов У.У. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш.
5. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0 th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – P. 5.
6. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Издво Курганского гос. унта”, 2013. – 106 с.
7. История экономических учений: Современный этап: Учебник / Под общ. ред. А. Г. Худокормова. – М.: ИНФРА-М, 2009. – С. 158.
8. Шолдаров Д., Турсунов Ж. Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш. “Молия” илмий журнари. 2018 йил 1-сон. 107-бет.
9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари. <http://www.pfru.uz>.
10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари. <http://www.pfru.uz>.
11. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2212567116303161>
12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари. <http://www.pfru.uz>.
13. http://pfru.uz_Cyrl/page/518/давлат-пенсия-таъминоти-тизимини-ислох-этиш-концепцияси-лойиҳаси.
14. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси. 2018 йил 29 декабрь. – Тошкент. Буюк келажак. Муҳокама учун материаллар. 267-б.